

**“Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ  
акциядорларининг навбатдаги умумий йигилиш  
БАЁНИ**

2021 йил 14 апрел

Тошкент шаҳри

Акциядорларнинг 2020 молиявий йил якуни бўйича умумий йигилиши Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани Зарқайнар кўчаси манзилида, жамиятнинг маъмурий биносида 2021 йил 14 апрел куни соат 12:00 да ўтказилди. Йигилишда 642533 овозга эга акциядор қатнашди, бу жами акциядорларнинг 98,85 % ни ташкил этади, йигилиш ўтказиш ҳуқукига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 96,69 % га эгалик қилувчи Тошкент шахар ҳокимияти номидан ишончнома асосида Тошкент шахар ҳокимияти “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари Д.Ганиев қатнашди.

**Йигилиши раёсатига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:**

Д.Ганиев – Тошкент шахар ҳокимияти “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бозорлар ва савдо комплекслари департаменти бошлиғи ўринбосари, Ф.Туляганов «Муниципиал активларни бошқариш маркази» ДУК бўлим бошлиғи, Т.Камолов - “Муниципиал активларни бошқариш” ДУК бош мутахассиси, М.М.Нигмаджанов – “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ директори ва М.Адилбекова “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ бош ҳисобчи.

**Йигилиши комибиятига бир овоздан қўйидагилар сайландилар:**

Самадов Алишер Абдуфаёзович.

**Йигилиши саноқ хайъатига қўйидаги ходимлар сайландилар:**

А.А.Самадов, Г.Абдуллаева ва Р.Хужаяров.

Йигилишга Д.Ганиев раислик қилди.

**Йигилиш кун тартиби:**

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириши стратегиясига эришии бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўгрисидаги ҳисоботларини эшигни.
2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқши.
3. Жамият тафтиши комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.
4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.
6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаш.
7. Жамият директорини меҳнат шартномаси муддатини узайтириши ҳақида.
8. Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаш.
9. Жамиятнинг Тафтиши комиссиясини сайлаш.
10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаши натижаларини кўриб чиқши.
11. Жамиятнинг 2020 йил фаолиятини текшириши учун Аудиторни тасдиқлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақининг энг қўп миқдори чегарасини белгилаш.
12. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

**Йигилиш регламенти қўйидагича тасдиқланди:**

Асосий масалаларга 5-10 минутгача.

Сўзга чиқувчиларга 2 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича жамият директори М.М.Нигмаджанов сўзга чиқиб, 2020 йил фаолияти якуни ижроия органи ва Кузатув кенгаши билан хамкорликда, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботини берди.

Сметанинг ялпи даромади режадаги 2 791 760,0 минг сўм ўрнига 2342742,0 минг сўм ёки режадан 449 018 минг сўмга кам бажарилди.

Бунга асосий сабаб 2020 йилда COVID-19 вирусини таркалиши муносабати билан «Чорсу буюм савдо комплекс» акциядорлик жамияти 5 ой давомида фаолият курсатмаганлигидир.

Изоҳ; Жамиятимизда 2020 йил янги курилган дуконлар киймати 1.037.97 млн сумни ташкил этади.

Жами даромадлар-3 380 717 минг сум.

Жамият томонидан 2020 йилда олинган даромадлардан урнатилган тартибда мажбурий соликлар НДС солиги 237,8 млн сум, ер солиги 115,82 млн сум, мол-мулк солиги 15,42 млн сум, сув солиги 1,33 млн сум, фойда солиги 153,03 млн сум.

Жаъми 523,4 млн сум пул микдори утказиб берилди.

Бундан ташкари 2019 йилда жами даромад 3055,97 млн сумни ташкил килади. Бу курсаткич 2020 йилда 3380,72 млн сумга нисбатан 324,75 млн сумга ошганлигини билдиради. Жамият 2020 йилни соф фойда режаси 817 824,0 минг сўм бўлса, амалда 612 126,0 минг сўм фойда куриб, режа 205 698 минг сумга бажарилмади.

Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сонли қарорида “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиши ва қўллаши” 1-илювага\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилиши, ушбу схеманинг курсаткичлар мониторингида “Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи томонидан ижроия органи ҳисоботини ҳар чоракда, шу жумладан СИК(КПЭ) бўйича эшишиб борилиши”, белгилаб қўйилганлиги боис жамият ижроия органи раҳбари томонидан жамият фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари бўйича тайёрланган маълумотлар тингланди.

Тақдим этилган рақамларга асосан 2020 йил якунлари бўйича олинган СИК = 84,4 % ташкил этаётганлиги (режа бўйича 100 % бўлиши керак) боис ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги, белгилangan норма курсаткичларига асосан, яхши дараҷасада деб топилди.

Жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассиси ҳисобот йилидаги Кузатув кенгашининг фаолияти бўйича ҳисобот берди. Жумладан, Кенгаш томонидан 2020 йил учун тасдиқланган «Бизнес-режа»нинг жамият ижроия органи томонидан бажарилиши таҳлил қилиб борилгани, шу билан бирга жамият ижроия органининг ҳар чоракда ҳисоботлари тингланиб, мавжуд дебиторлик қарзларини ундириш ишларини жадаллаштириш, бу каби қарзларни пайдо бўлишига йўл қўймаслик, даромадлар ва харажатлар сметаси курсаткичларини бажариш, белгилangan харажатлардан ортиқ харажатга йўл қўймасликка доир масалалар кўрилгани, ҳар чорак якуни бўйича жамият ижроия органи раҳбари ҳисоботлари, смета курсаткичларини бажарилиши бўйича, жамият Тафтиш комиссиясининг жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар тузилган ёки тузилмаганлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосаси тинглаб борилгани ҳакида ҳисобот берди(жамият Кузатув кенгаси ҳисоботи илова қилинади).

Берилган саволларга маърузачилар жавоб берганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича сўз жамиятнинг бош бухгалтери М.Адилбековага берилиб, Жамиятнинг 2020 йил фаолияти якуни бўйича аудиторлик текшируви «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик фирмаси томонидан текширилган. Аудиторлик текшируви натижалари бўйича жамият молия хўжалик фаолиятини ижобий якунлади. Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Молия вазирлиги томонидан 2008 йил 18 февралда АФ № 00202-сонли Лицензия берилган, молиявий ахволи бухгалтерия ҳужжатларида

хақоний кўрсатилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига жавоб беришини ва ижобий баҳо берилганини таъкидлади.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибдаги учинчи масала бўйича жамият қимматли қофозлари бўйича мутахассиси А.А.Самадовга сўзга чикиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси холосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништириди. Жумладан, ушбу холосада жамият Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга, ҳамда жамият 2020 йил молиявий-хужалик фаолиятини масъулияти чекланган жамият шаклидаги «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (2008 йил 18 февралда АФ № 00202-сонли Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан берилган) аудитори Гулямова Ф.Г.. томонидан тўлиқ текширилганлиги (сертификат № 04313, 2005 йил 06 декабрда берилган), молиявий ахволи бухгалтерия хужжатларида хақоний кўрсатилганлиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига жавоб беришини ва ижобий баҳо берилганига асосланиб:

- Аддия вазирлиги томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари», пул маблағларини ҳисобга олишни тартибга солувчи бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларга амал қилинганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 17.11.1999 йилги «Мехнат хақи юзасидан ҳисоб китобларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан министрликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмаганлиги;

- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғарив бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» ги Қонуни талаблари бажарилмокда. Жамиятда асосий иш жой Жамият ҳисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимидан пенсия дафтарчалари очилиб, Халқ банкига хар ойда маблағлар ўтказиб келинаётганлиги;

- Тафтиш комиссия аъзолари аудитор текшируви холосаларига таяниб, жамиятнинг 2020 йил молиявий-хужалик фаолиятининг даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ва балансидаги маълумотларининг хақонийлиги тасдикланганлигини;

- 2020 йил давомида аффилланган шахслар билан битимлар, шунингдек йирик битимлар тузилмаганлигини ҳакида маълум қилди (*тафтиш ҳайъатининг холосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибдаги тўртингчи масала бўйича баш ҳисобчиси М.Адилбекова сўзга чикиб, жамиятнинг 2020 йил якуний баланси ҳакида ахборот берди ва баланс кўрсаткичлари жамият веб-сайтида жойлаштирилганини билдириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибдаги бешинчи масала бўйича йиғилиш раиси масала юзасидан тулиқ тушунча олиш мақсадида сузни жамият баш бухгалтери М.Адилбекова берди. М.Адилбекова сўзга чикиб, “Чорсу буюм савдо комплекси” АЖ 2020 соф фойда режаси 817 824 минг сўм бўлса, амалда 612 125,6 минг сўм фойда бўлганини айтиб ўтди ва кузатув кенгашининг йиғилишида ушбу соф фойданинг 77.041,70 минг сўм қисми ҳисобига аввалги йилда қопланмаган зарар қопланганлиги, соф фойдани 5% қисмини яъни 30606,28 минг сўмни жамиятнинг заҳира жамғармасига йўналтириш ва жамиятда пул маблағи танқислиги инобатга олиниб ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” ги 657-сонли қонуни 12-банди талабларидан келиб чикиб, соф фойдани 50% қисмини яъни 312184,056 минг сўмни акциядорларга дивиденд сифатида ҳисоблаш ва қолган 192293,564 минг сўм соф фойдани жамиятни ривожлантиришга йўналтириш таклифи маъқулланганлигини билдириди.

Мажлис раиси ушбу таклиф юзасидан акциядорлардан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги олтинчи масала бўйича жамият директори М.М.Нигмаджанов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси”, ҳамда “2021 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш қатнашчиларини таништириди. Жумладан, бизнес-режадаги 2021 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режаси йиғилиш иштирокчилари томонидан мухокама этилди.

Маъruzачининг берилган саволларга жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Умумий йиғилиш кун тартибидаги еттинчи масала бўйича раислик қилувчи Д.Ганиев сўзга чиқиб, 2020 йил 14 июл куни ўтказилган жамият акциядорлари умумий йиғилишида жамият директори этиб Нигмаджанов Махмуджон Махамадалиевич сайлангани, жамият Кузатув кенгаши томонидан жамият директори Н.М.Нигмаджановнинг 2020 йил якуни бўйича хисботи маълумот учун қабул қилингани ва курсатгичлари ижобий бўлгани сабабли Нигмаджанов Махмуджон Махамадалиевичнинг меҳнат шартномасини узайтириш маъқулланганини айтиб, акциядорлардан бюллетенларига овоз беришларини билдириди.

Раислик қилувчи кун тартибидаги саккизинчи масалага ўтиб, 2021 йилда жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги тўққизинчи масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ўнинчи масала юзасидан “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ корпоратив текширувчи Л.В.Матвеев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПҚ-4720-сонли карори ижросини таъминлаш мақсадида 2016 йил 4 октябрдан бошлаб жамиятда “Корпоратив бошқарув кодекси” жорий этилганлигини ва шу муносабат билан жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолашни “FTF-LEA-AUDIT” аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилганлигини ва ушбу хulosага асосан жамият “Қониқарли” даражада -155 бал тўплаган деб топилганлигини мажлис аъзоларига тақдим этди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ўн биринчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси А.А.Самадовга сўз берди, А.А.Самадов Ўзбекистон Республикаси акциядорлик жамияти қонунларига ўзгартиришлар киритилганлиги, аудиторни тайинлаш умумий йиғилиш ваколатига ўтганлиги боис, 2021 йил фаолиятини текшириш учун давлат харидлари талабларига асосан эълон бўйича “FTF-LEA-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотидан таклиф тушганлиги ва унинг хизмат ҳаки 7800 минг сўм билдирилганлигини айтиб ўтди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси А.А.Самадов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукукларини химоя килиш тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилганини инобатга олиб, жамият уставини янги таҳирда тайёрланганини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларини янги таҳирдаги Устав лойиҳаси билан таништириди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради

(танаффусдан сўнг)

Саноқ ҳайъати мажлис қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништириди.

<b>1-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>2-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>3-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%		
<b>4-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>5-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>6-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%		
<b>7-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>10-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>11-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%		
<b>12-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%				
<b>8-масала (Кумулятив овоз бериш натижалари)</b>				
Ирматов Мурод Абдукахарович - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК ижрочи директор.	642533та овоз			
Акбарходжаев Лазизхон Турапович - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош директор Ўринбосари	642533та овоз			
Ганиев Дилмурод Иркинович - «Муниципиал активларни бошқариш маркази» ДУК «Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти» бошлиги Ўринбосари.	642533та овоз			
Туляганов Фарход Файзуллаевич - «Муниципиал активларни бошқариш маркази» ДУК бўлим бошлиги.	642533та овоз			
Камолов Толмас Каримович - “Муниципиал активларни бошқариш маркази” ДУК бош мутахасисси.	642533та овоз			
<b>8.1-масала</b> Ёклаган 642533 та овоз – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>8.2-масала</b> Ёклаган 642533 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>8.3-масала</b> Ёклаган 642533 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>8.4-масала</b> Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%	<b>8.5-масала</b> Ёклаган 642533 – 100% Бетараф 0 % Қарши 0%

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овози билан қабул қилинганини билдириди. Саноқ ҳайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

### **КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Жамият ижроия органи ва Кузатув кенгашининг йиллик хисоботи, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари тасдиқлансин.

(Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

2. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташки аудиторлик текшируви хulosаси тасдиқлансин.

(Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хulosалари тасдиқлансин.

(Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик хисоботи тасдиқлансин.

(Ёклаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

5. Жамият 2020 йилни 612 125,6 минг сўм фойда билан якунлагани инобатга олинсин ва жамиятнинг соф фойдаси куйидагича тақсимлансин:

5.1. Жамиядада олинган 612 125,6 минг сўм соф фойданинг 77.041,70 минг сўм қисми хисобига аввалги йилда қопланмаган зарар қоплашга йўналтирилгани тасдиқлансин, соф фойданинг 5% қисми яъни 30606,28 минг сўм жамиятнинг захира жамгармасига йўналтирилсин. Жамиядада пул маблаги танқислиги инобатга олинниб ва Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги 657-сонли қонуни 12-банди талабларидан келиб чиқиб, соф

фойданинг 50% қисми яъни 312184,056 минг сўм акциядорларга дивиденд сифатида ҳисоблансан ва белгиланган муддатида тўлаб берилсин. Соғ фойданинг қолган 192293,564 минг сўм қисми жамиятни ривожлантиришга қолдирилсин.

(Ёқлаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси», хамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тасдиқлансин.

(Ёқлаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

7. Нигматжанов Махмуджон Махамадалиевичнинг меҳнат шартномаси муддати акциядорларнинг 2021 йил якуни бўйича умумий йигилишига қадар узайтирсин.

(Ёқлаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

8. Жамият Кузатув кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан Ирматов Мурод Абдукахарович (642533 та овоз), Акбарходжаев Лазизхон Турапович (642533 та овоз), Ганиев Дилмурод Иркинович (642533 та овоз), Туляганов Фарход Файзуллаевич (642533 та овоз) ва Камолов Толмас Каримовичлар (642533 та овоз) сайлансин.

9. Жамият Тафтиш комиссиясига қуидагилар сайлансин:

Бойсинов Жасур Хасанович – Тошкент шахар Ҳокимлиги ”Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУК Боп мутахассиси

Ибрагимова Гульчехра Махкамовна – “Эски жува дехкон бозори” АЖ мутахассиси  
Норхуджаев Нозимходжа Абдуқодир уғли – “Авиасозлар дехкон бозори” АЖ мутахассиси

(Ёқлаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин.

(Ёқлаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

11. Жамиятнинг 2021 йил фаолиятини текшириш учун «FTF-LEA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти тайинлансан ва хизмат ҳақининг энг кўп миқдори 7800,0 минг сўм этиб белгилансин.

(Ёқлаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

12. Жамиятнинг янги таҳрирда устави тасдиқлансин.

(Ёқлаган 642533– 100% Бетараф 0 % Қарши 0%).

Баённома имзоланган сана: « \_\_\_\_ » 2021 йил.

Йигилиш раиси:

Д.Ганиев

Котиб:

А.А.Самадов